



Protected by PDF Anti-Copy Free

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

201000, Romitan tumani,  
A.Temur ko`chasi, 40

Tel:(+99865) 552-33-34, fax: 552-26-65

E-mail: romitan@sud.uz

201000, Romitan tumani,  
A.Temur ko`chasi, 40

Ўзбекистон Республикаси номидан  
ХАЛҚАРАВИЙ СУВ ҚАРОРИ

2023 йил 6 январь

Ромитан тумани

4-2006-2201/1918-сонли иш

Ромитан туманлараро иқтисодий судининг судьяси Х.Г.Абдуллаев раислигида, судья ёрдамчиси Н.Рашидовнинг котиблигида, даъвогарнинг (2022 йил 5 январдаги 17/02-18-сонли ишончнома асосида) вакили ЙИЙИ, жавобгарлар раҳбари ЕЕЕЕЕлар иштирокида, даъвогар – Ўзбекистон Савдо саноат Палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси Ўзбекистон Республикаси АТБ “ЦЦЦЦ”и манфаатида, жавобгарлар – Вобкент туманидаги “УУУУ” ва Олот туманидаги “КККК” масъулияти чекланган жамиятларидан 4.000.000.000 сўм кредит қарз, 290.000.000 сўм кредит фоиз ундириш, ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий ишни очиқ суд мажлисида қўриб чиқиб, қуйидагиларни

#### А Н И Қ Л А Д И :

Ўзбекистон Республикаси АТБ “ЦЦЦЦ”и Бухоро филиали ва “УУУУ” масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2021 йил 24 майда 94-сонли кредит шартномаси тузилган.

Мазкур шартномага асосан банк масъулияти чекланган жамиятига “айланма маблағларини тўлдириш” мақсадида йиллик 24 фоиз устама тўлаш шарти билан 36 ой муддатга 9 ой имтиёзли даври билан 4.000.000.000 миқдорида кредит маблағлари ажратиш мажбуриятини олган.

Кредит шартномасининг 1-иловасига мувофиқ тўлов графиги тасдиқланган.

Кредит шартномаси бўйича қарз қайтарилишининг таъминоти сифатида жавобгар “УУУУ” масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган Вобкент тумани, Халач МФЙ, Шейхон кўчасида жойлашган 13.000 кв.метр ер майдонидан, умумий фойдаланиш майдони 3.685,3 кв.метр, қурилиш ости майдони 3.685,3 кв.метрдан иборат бўлган “мева маҳсуллотларини қайта ишлаш ва кадоқлаш” биноси 2020 йил 13 мартдаги Ипотека шартномасига асосан гаровга қўйилган.

Шунингдек, кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида кафил “КККК” масъулияти чекланган жамият иштирокида 2020 йил 13 мартда уч томонлама кафиллик шартномаси расмийлаштирилган.

Кафиллик шартномаси бўйича кафил “КККК” масъулияти чекланган жамият 1.000.000.000 сўм миқдорида кафиллик мажбурияти белгиланган.

Тарафлар ўртасида имзоланган 2020 йил 3 мартдаги баҳолаш далолатномасига асосан гаровга қўйилган жавобгар “УУУУ” масъулияти

чекланган жамиятига тегишли бўлган Вобкент тумани, Халач МФЙ, Шейхон кўчасида жойлашган 13.000 кв.метр ер майдонидан, умумий фойдаланиш майдони 3.685,3 кв.метр, қурилиш ости майдони 3.685,3 кв.метрдан иборат бўлган “мева маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоклаш” биноси 4.250.000.000 сўмга баҳоланган.

Кредит шартномаси билан банк белгиланган миқдордаги кредит суммасини ажратган ва ажратган кредит маблағлари жамият томонидан ўзлаштирилиб, кредит мақсадида офис ишлатилинган.

Кредит шартномаси бўйича тўлов графиги жавобгар масъулияти чекланган жамияти томонидан қўлтазам равишда бузилиши оқибатида, даъвогар талабнома хатлари билан муурожаат қилган.

Билдирилган огоҳлантиришлар жавобгар томонидан оқибатсиз қолдириш натижасида даъвогар банк палата орқали судга муурожаат қилган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили жавобгар даъво талабини қисман қоплаганлигини билдириб, қолган қисми бўйича даъвони қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгарлар раҳбари даъво талабини тан олиб, кредит қарздорликни қоплашга муҳлат беришни сўради.

Палата даъво аризаси билан биргаликда ишни ўзининг вакили иштирокисиз кўриб чиқиш тўғрисида ҳам сўраган. Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддасини қўллаб, ишни палата вакили иштирокисиз кўришни лозим топади.

Суд, иш хужжатларини муҳокама қилиб, ишни мазмунан кўриб чиқиш учун етарли асослар мавжудлигини инобатга олиб, тарафлар вакилларининг тушунтиришларини эшитиб, қуйидаги асосларга кўра даъвогарнинг даъво талабини қисман қаноатлантиришни, ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишни, ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини жавобгар “УУУУ” масъулияти чекланган жамияти зиммасига юклашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236-моддасида мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун хужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 293-моддаси қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар жавоб берадилар, башарти қонунда ёки кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлмаса.

Башарти, кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил кредитор олдида қарздор билан барабар ҳажмда жавоб беради, шу жумладан фоизлар тўлайди, қарзни ундириб олиш бўйича суд чиқимларини ва қарздор мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредитор кўрган бошқа зарарларни тўлайди.

Агар кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, биргалашиб кафил бўлган шахслар кредитор олдида солидар жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларни қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 13/150-сонли қарорининг 30-банди иккинчи бўлишида асосий мажбурият бўйича қарздорнинг жавобгарлигига қўшилган кафил мажбуриятининг солидарлиги кредиторнинг асосий мажбурият бўйича ҳам қарздорга, ҳам кафилга, ҳам биргаликда, ҳам алоҳида, ҳам тўла, ҳам қарзнинг қисмига нисбатан ўз талабларини тақдим этишга ҳақли эканлигини англатиши тушунтирилган.

Шу билан бирга, кодекснинг 327-моддаси биринчи қисмида бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши кераклиги қайд этилган.

Шунингдек, мазкур кодекснинг 744-моддаси 1-қисмида кредит шартномаси бўйича бир тараф — банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олаши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларни қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 13/150-сонли қарорининг 10-бандида ФК 736-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, агар қонун ҳужжатларида ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз олувчи қарз суммасини вақтида қайтармаган ҳолларда ФК 734-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган фоизлар тўланган бўлишидан қатъий назар, қарз қайтариб берилиши керак бўлган кундан бошлаб, то у қарз берувчига қайтариб берилган кунгача бу сумма юзасидан ФК 327-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган миқдорда фоизлар тўланиши кераклиги тушунтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 736-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига кўра, агар қарз шартномасида қарзни қисмлаб (бўлиб-бўлиб) қайтариш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи қарзнинг навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи қарзнинг қолган барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Агар қарз шартномасида қарз бўйича фоизларни қарзнинг ўзини қайтариш муддатидан олдин тўлаш назарда тутилган бўлса, бу мажбурият бузилган тақдирда, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини тегишли фоизлари билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Иш суд мажлисида кўрилатган кунга қадар, жавобгарлар даъво талабини қисман тўлаган. Ушбу ҳолат даъвогарнинг суд тақдим этган маълумотномаси ва тушунтиришлари билан тасдиқланади.

Шунга асосан суд, даъво талабининг сума ундириш қисмини қисман яъни 4.000.000.000 сўм кредит қарз, 125.000.000 сўм кредит фоизига қаноатлантиришни лозим топади.

Бундан ташқари, даъво ундирувни гаровга қўйилган жавобгар “УУУУ” масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган Вобкент тумани, Халач МФЙ, Шейхон кўчасида жойлашган 13.000 кв.метр ер майдонидан, умумий фойдаланиш майдони 3.685,3 кв.метр, қурилиш ости майдони 3.685,3 кв.метрдан иборат бўлган “мева маҳсуллотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш” биносига ҳам қаратишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 279-моддаси 1-қисмига кўра гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш мумкинлиги кўрсатилган.

Баён этилганларга асосан суд, 4.125.000.000 сўм ундирувни гаровга қўйилган жавобгар “УУУУ” масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган Вобкент тумани, Халач МФЙ, Шейхон кўчасида жойлашган 13.000 кв.метр ер майдонидан, умумий фойдаланиш майдони 3.685,3 кв.метр, қурилиш ости майдони 3.685,3 кв.метрдан иборат бўлган “мева маҳсуллотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш” биносига қаратишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси биринчи қисмида суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилиши кўрсатилган.

Баён этилганларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176, 179-моддаларини қўллаб суд,

#### **қ а р о р   қ и л а д и :**

1. Даъво талаби қисман қаноатлантирилсин.
2. Жавобгарлар – Вобкент туманидаги “УУУУ” ва Олот туманидаги “КККК” масъулияти чекланган жамиятларидан солидар тартибда даъвогар - Ўзбекистон Республикаси АТБ “ЦЦЦЦ”и 4.000.000.000 сўм кредит қарз, 125.000.000 сўм кредит фоизи ва олдиндан тўланган 24.000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ундирув Ипотека шартномаси асосида гаровга қўйилган жавобгар “УУУУ” масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган Вобкент тумани, Халач МФЙ, Шейхон кўчасида жойлашган 13.000 кв.метр ер майдонидан, умумий фойдаланиш майдони 3.685,3 кв.метр, қурилиш ости майдони 3.685,3 кв.метрдан иборат бўлган “мева маҳсуллотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш” биносига қаратилсин.

Кафил Олот туманидаги “КККК” масъулияти чекланган жамиятнинг мулкий жавобгарлиги 1.000.000.000 сўм миқдорида белгилансин.

3. Даъвонинг қолган қисми рад этилсин.
4. Жавобгар – Вобкент туманидаги “УУУУ” масъулияти чекланган жамиятидан Республика бюджетига ва суд органларини ривожлантириш жамғармасига 85.800.000 сум давлат бёжи ундирилсин.
5. Ҳал қилув қарори қонуний кунга кирган, шу ҳақда ижро варақалар берилсин.

Ҳал қилув қароридан н... тараф бир ойлик муддат ичида шу суд орқали Бухоро вилоят суди... яция тартибида шикоят беришга ёки протест келтиришга ҳақли.



**Судья**

**Х.Г.Абдуллаев**